O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 11 декабрь, № 239 (4902) Жума

СОҒЛОМ МИЛЛАТ – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида "Sportexpo" спортга ихтисослашган биринчи кўргазмаси иш бошлади.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли ҳам буюк аждодларимиз шон-шуҳратига муносиб, истеъдодли, шижоатда тенгсиз, эртанги куннинг ишончли давомчилари ўсиб-улғаймоқда. Улар дунёнинг турли мамлакатларида бўлиб ўтаётган нуфузли мусобақаларда Ватанимиз байроғини баланд кўтармоқдалар.

Кўргазма

Ёшларга эътибор бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Зеро, Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг ўн етти йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2010 йилни мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилишлари бунинг ёрқин тасдиғидир.

Айтиш жоизки, мазкур кўргазма Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати республика маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Уни ўтказишдан кўзланган мақсад жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, спорт федерациялари билан спорт жиҳозлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Павильонларда махсус спорт инвентарлари ва кийимкечаклар, юртимиздаги ўттизга яқин яккакураш федерациялари эришган ютуқлар намойиш этилмоқда.

— Бугунги кунда компания тизимидаги корхоналарда 250 дан ортиқ турдаги спорт кийимлари ишлаб чиқарилаяпти, — дейди "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси бошқармаси етакчи мутахассиси Баҳодир Матмуродов. — Тадбир доирасида дзюдо ва спорт курашлари федерациялари билан махсус кийим-кечак етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик.

Кўргазма 12 декабрга қадар давом этади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САЙЛОВ — 2009

Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакилларининг чиқишлари билан танишасиз.

2-саҳифага қаранг.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ТАЪЛИМ РИВОЖИ

Пойтахтимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, олий ўқув юртлари, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Тадбир

Ўзбекистон адлия вазири ўринбосари Ғ. Ҳидоятов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда таълим соҳасида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган дастурлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий вазифалардан бири — замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилмоқда. Юқори малакали ишчи кучи ва юртимиз тараққиёти учун масъуляти ўз зиммасига олишга қодир мутахассислар тайёрлаш юртимиз таълим ислоҳотларининг муҳим йўналишларидандир.

Юристлар малакасини ошириш марказида махсус ўқув дастурлари асосида соҳа ходимларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича билим ва малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда миллий ва халқаро ҳуқуқий манбалардан кенг фойдаланилмоқда.

Марказда ЕХҲТнинг "Юристлар малакасини ошириш маркази фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилаётир. Лойиҳа доирасида марказ ходимлари ўтган вақт мобайнида қатор хорижий давлатларда бўлиб, тажриба алмашди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директори А. Саидов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Тадқиқотлар маркази директори Ж. Ҳайдаров, Юристлар малакасини ошириш маркази директори А. Гофуров ва бошқалар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг долзарб масалалари, соҳага оид қонун нормаларини амалиётга татбиқ этишда соҳа ходимларининг касб малакасини ошириш, инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги халқаро тажрибага бағишланган маърузалари тингланди.

Тадбир доирасида Юристлар малакасини ошириш маркази ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамкорлигида ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс марказининг очилиш маросими бўлди.

Ушбу марказ барча зарур замонавий ахборот-коммуникация техникалари билан жиҳозланган, соҳага доир кўплаб дарсликлар, монографиялар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари, илмий рисолалар билан таъминланган. Бу ерда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ва хорижий адабиётларнинг электрон кутубхонаси ҳам мавжуд.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

2009 йил мен учун унутилмас йил бўлиб қолиши, шубҳасиз. Истиқлолимизнинг 18 йиллиги арафасида Юртбошимиз Фармонига мувофиқ, юксак мукофот билан тақдирландим. Куни кеча — Конституциямизнинг 17 йиллик айёми арафасида Президентимизнинг қўлларидан ушбу мукофотни қабул қилиб олар эканман, нечоғли қувонганимни билсангиз эди.

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИНИ ЯРАТАМИЗ

Бу камтарона меҳнатларим эларо қадр топганлиги, юртимизда санъат ва маданият ривожига юксак эътибор қаратилаётганлигининг ёрқин ифодаси эди.

Шу лаҳзаларда Истиқлолдан сўнг миллий санъатимизда эришган ва эришаётган ютуқларимиз, юртимизда миллат маънавиятини юксалтириш йўлида амалга оширилган улуғвор ишлар бирма-бир кўз ўнгимдан ўта бошлади. Зеро, юртимиз мустақилликка эришгач, буткул янгича ва ўзига хос саҳна санъатининг шаклланиши ва ривожланишига кенг йўл очилди. Биргина ўзим ижод қилаётган даргоҳ — Ўзбек миллий академик драма театри мисолида бунинг амалий ифодасини кўриш мумкин. Истиқлол йилларида отахон театримиз миллий ва замонавий меъморчилик услубида тубдан қайта таъмирланиб, юксак нуфузига мунанд салобат касб этганлигига, жаҳоннинг "манаман" деган санъат кошоналаридан қолишмайдиган даражада муҳташам қиёфага эга бўлганлигига барчамиз ғуворамиз. Бугун бу муқаддас даргоҳнинг муаззам кошонаси оққўнгил халқимизнинг санъатга муҳаббати рамзи, боқий анъаналаримизга юксак эҳтироми тимсоли сифатида кўнгилларимизга ғурур бахш этмоқда.

Дил сўзи

Бундан саккиз йил муқаддам Юртбошимиз ушбу даргоҳнинг қурилиш-таъмирлаш жараёнларида бевосита иштирок этиб, керакли тавсиялар берганликлари, театр биноси ташқи ва ички кўринишида жиҳатидан чинакам маънода миллий руҳ касб этиши лозимлигини, санъат ва ижод аҳли учун нимаики шарт-шароит зарур бўлса, барини муҳайё қилишга чуқур эътибор қаратиш даркорлигини алоҳида таъкидлаганликлари кечагидек бизнинг, барча ижодкорларнинг ёдимизда. Зотан, бу халқ маънавиятини юксалтириш борасидаги, миллий санъатимиз ривожи йўлидаги эзгу ва амалий саъй-ҳаракатларнинг ёрқин бир тасдиғидир. Ахир не-не санъат дарғаларининг қутлуғ қадами теккан бу муқаддас гўша бугун муҳташам кўриниши, замонавий имкониятлари, миллий услуб уйғунлигидаги меъморий ечими билан ёшию мавқеига мос кўрку салобатга эга бўлди.

Буларнинг бари биз учун эркин ижод қилиш, бадиий пишиқ асарлар саҳналаштириш, замонавий шарт-шароитлардан фойдаланиш имконини бермоқда. Чунки биз ижодкорлар юксак эътибор ва ғамхўрликлардан баҳраманд бўлган ҳолда эзгу ғояларни тарғиб этадиган асарлар, ибрат бўлишга арзирли қаҳрамонлар — ёвузлик билан асло муроса қила олмайдиган, чинакам фидойи инсонлар сиймосини яратиш борасида изланяпмиз. Хусусан, замонамиз қаҳрамони тимсолини яратиш ўзимнинг ҳам катта орзуимдир. Театр санъати томошабин қалбига йўл топувчи, унинг виждонини уйғотувчи қудратли тарбия воситаси ҳисобланади. Шу боис биз, ижодкорлар халқ маънавиятини юксалтиришга, ёшларга ибрат бўлишга, уларни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялашга хизмат қиладиган ана шундай қаҳрамонлар образини жонлантиришга ҳаракат қилишимиз зарур.

Маҳмуд ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,
«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.

Америкалик эксперт:

БЎЛҒУСИ САЙЛОВЛАР ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧ БЎЛАДИ

Яқинда «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Вашингтонда 15 йилдан зиёд вақт давомида Қўшма Штатларнинг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорлигининг ривожланиши масаласи билан изчил шуғулланиб келаётган америкалик таниқли эксперт, доктор Борис Пинкус билан учрашди ва бир неча саволларга жавоб олди.

Б. Пинкус раҳбарлик қилаётган Американинг Марказий Осиё уюшмаси жамоатчилик орасида — сиёсий ва маданий доираларда катта мавқега эга. У АҚШ Конгресси ҳузурида қонун чиқарувчиларнинг Марказий Осиё ҳамкорлик гуруҳи (Caucus on Central Asia) норасмий маслаҳат тузилмасини ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлган. Энг аввало, АҚШ катта қизиқиш билдираётган минтақавий йўналишларда бундай жамоатчилик тузилмаларининг ташкил топиши Америка сиёсий анъаналарига хосдир.

Б. Пинкус шу йил декабрь ойининг охирларида Американинг ижтимоий-сиёсий, эксперт ва маданий доиралари вакилларидан иборат катта гуруҳ билан Олий Мажлис сайловларининг халқаро кузатувчиси сифатида Ўзбекистонга келади.

Биз ва дунё

— Мен 90-йиллардан бошлаб Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг тизимли мониторингини олиб бормоқдаман, — деди Б. Пинкус. — Таҳлиллар менга Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барқарор ва жўшқин ривожланадиган сиёсий тизим, профессионал асосда фаолият юритадиган икки палатали парламент ташкил топгани, демократия ва халқаро ҳуқуқий меъёрлар талабларига жавоб берадиган сайлов тизими ва сайловларнинг қонунчилик базаси, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида фаол иштирок этишлари учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар шакллантирилганини тасдиқлашим учун далил бўлади.

Олдинда турган сайловлар, менинг назаримда, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тарихида янги босқич бўлади. Улар партиялар фаоллиги ва партиялар ўртасидаги рақобатнинг ўсиб боришини намойиш этиш билан бирга, фуқароларнинг давлат бошқаруви ҳамда мамлакатнинг сиёсий жараёнларида қатнашишини таъминлайди. Ўзбекистонга борганимда, мамлакатнинг сиёсий

(Давоми 3-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Давра суҳбати

Пойтахтимизда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мурожаатларни Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ва "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ кўриб чиқиш тартибига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис палаталари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган қатор халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов ва бошқалар мурожаат қилиш ҳамда судда ҳимоя қилиш ҳуқуқи соҳасида миллий қонунчиликка халқаро стандартларни жорий этиш, фуқароларнинг прокуратура, ички ишлар ва адлия органларига мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти, ҳуқуқий ёрдам олиш механизмлари, судларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ҳамда қарорлар устидан шикоят қилишга тааллуқли меъёрий ҳужжатларни тўлиқ амалга ошириш бўйича вазифалари хусусида сўз юритдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Тадбиркор ташаббуси

АНДИЖОН туманининг Найман қишлоғида тадбиркор Солижон Мирзаев ташаббуси билан қурилишда кенг қўлланиладиган ашё — черепица тайёрлаш йўлга қўйилди.

Полимер ва қум аралашмасидан тайёрланаётган ушбу маҳсулотга талабгорлар кўпайиб бормоқда. Шу боис унга якка тартибдаги уй-жой қурувчилар ҳамда қурилиш ташкилотларидан буюртмалар тушмоқда. Ҳозирга қадар уларга дастлабки 17 миллион сўмлик томёпқич материаллари етказиб берилди.

Эътиборли жиҳати, ушбу хайрли ташаббус натижасида қишлоқ ёшларидан 8 нафари иш билан таъминланди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Қадриятлар бешигисан, маҳаллам»

ГУЛИСТОН шаҳрида Республика "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида "Қадриятлар бешигисан, маҳаллам" шиори остида ўтказилаётган "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган жамоалар турли бадиий чиқишлар, саҳна кўринишлари орқали ўз маҳаллалари тарихини акс эттиришга ҳаракат қилдилар.

Танлов якунига кўра, Сирдарё вилоятининг Деҳқонобод маҳалласига биринчи ўрин, Тошкент шаҳрининг Қозиробод ҳамда Фарғона вилоятининг Тошкент гузари маҳаллаларига иккинчи ўрин насиб этди. Андижон ва Тошкент вилояти жамоалари эса учинчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«Пахтачичарм»нинг илк маҳсулотлари

САМАРҚАНД. Пахтачи туманида иш бошлаган терини қайта ишлашга ихтисослашган «Пахтачичарм» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари тобора харидоргир бўлиб бормоқда.

Корхона жамоаси фаолиятининг дастлабки ойидаёқ 28 миллион сўмлик буюртма қабул қилиб олганлиги шундан далолат бериб турибди.

Айни пайтда бу ерда бир кеча-кундузда 300 донадан зиёд тери қайта ишланяпти. Лойиҳа қиймати 100 миллион сўмлик мазкур корхона фаолият бошлаши билан 20 та янги иш ўрни яратилди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда

6361 **минг квадрат метрлик** **тураржой қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш борасида жойларда аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани, хусусан, кўплаб ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ташкил этилгани ана шу бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқариш имконини берди.



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ билан суҳбат

O`zLiDeP — МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИРИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ТАЙЁР ПАРТИЯДИР

— Партия иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор иқтисодиёти ислоҳотларини чуқурлаштириш борасида қандай устувор йўналишларни белгилаб олган?

— O`zLiDeP ўтган беш йил давомида мамлакатимизда содир бўлаётган демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланган, аввало, хусусий сектор вакиллари, моддий ва интеллектуал мулк эгалари, ишбилармон ва тадбиркорлар манфаатларини ифодалаган ҳолда ўз мақсади ва Ўзбекистонда жамиятни янгилаш ва эркинлаштириш ҳамда амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари жараёнида партиянинг ролини оширишга қаратилган аниқ ҳаракат дастури билан сайлов кампаниясида иштирок этмоқда.

Асосий Қонунимизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда давлатимиз раҳбари кичик бизнес ва тадбиркорликни бундан кейин ҳам ривожлантирмай туриб, «биз иқтисодиётимизнинг келгуси тараққиётини ўзимизга тасаввур қила олмаймиз» деб таъкидладилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг келгуси ривожи, уларнинг мамлакат иқтисодиёти тараққиётидаги ролини ошириш, ушбу йўналишда барча тўсиқларни бартараф этиш борасидаги аниқ кўрсатмалар партиямиз зиммасига ўз дастурий устувор йўналишларини амалга оширишда алоҳида масъулият юклайди.

Мазкур устувор йўналишлардан **биринчиси** — келажакда тадбиркорлик ташаббусларини янада юксалтириш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш, тадбиркорлик эркинлигини мустаҳкамлаш, хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувлардан самарали ҳимоя этишдир.

Партия тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилиши, балки уларга амалиётда қатъиян риоя қилиниши лозим, деган фикрни илгари суради.

Шу муносабат билан O`zLiDeP тадбиркорлар, фермерлар, мулкдорлар ва электоратимизнинг бошқа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш қонунчилик базаси ҳамда механизмини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда хўжалик судларининг ролини кучайтиришга қаратилган ишларни давом эттиради. Бизнингча хўжалик судлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарур, бу янада очиқ ва ошкора бўлиши керак. Шунингдек, бу вазифаларни ҳал этишда ҳакамлик судлари имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш лозим.

O`zLiDeP иқтисодиёт соҳасида бозор ислоҳотларини амалга оширишда тўсиқ ва ғовлар яратувчи салбий кўринишларга қарши курашади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар фаолиятига ғов бўлаётган бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилиши уларнинг салоҳият ва имкониятларининг тўлароқ рўёбга чиқишига ёрдам беради, бу эса иқтисодиётнинг ўсиши ва мамлакат фуқаролари турмуш фаровонлигининг янада юксалишида энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Биз мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини, жумладан, йирик корхоналарни хусусийлаштириш борасидаги чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз, тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш уни модернизациялашнинг муҳим омили, деб ҳисоблаймиз. Миллий бизнеснинг ўсиши, сармояларнинг марказлашуви жараёнлари ривожланиши баробарида партия учун бозорларни монополлаштиришнинг олдини олиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва кўламини ошириш учун зарур бўлган соғлом рақобат муҳитини сақлаб қолиш, аҳоли бандлиги, турмуш даражаси ва унинг яшаш тарзи сифатини таъминлаш вазифалари тобора долзарб аҳамият касб этаверади.

Иккинчи — партия, шу жумладан, давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги ўз депутатлари орқали молия ва банк тизими барқарорлигини кучайтиришга, бу борада зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг қабул қилинишига кўмаклашаверади. Ушбу чоралар қуйидаги соҳаларга қаратилади:

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қонунчилик асослари ва қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда тижорат банклари, бошқа молия институтлари фаолиятини изчил равишда кучайтириш орқали кредитлар билан таъминлаш;

— чакана савдо соҳасида нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш механизмлари самарадорлигини таъминлаш.

Учинчи — партия фаолиятининг устувор йўналишларидан яна бири фермер хўжаликларини ривожлантириш, улар учун зарур инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашишдан иборат. Бугунги кунда фермерлар қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотларини етиштирувчилар ҳисобланадилар, жамиятда, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда уларнинг роли тобора кучайиб бормоқда. Айнан қишлоқ мулкдорлари бўлган фермерлар қишлоқларимиздаги турмуш сифатини белгилайдилар, туб ислоҳотлар, замонавий технологиялар ва инновацияларни амалга оширадилар. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, партия фермерларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган, жумладан, қуйидаги соҳаларга қаратилган ҳуқуқий механизмларнинг самарали ишлашига эришишга интилади:

— шартномада кўзда тутилган хом ашё, материаллар ва товарларни белгиланган муддатларда етказиб беришда, фермерлар етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китобни амалга оширишда тайёрловчилар ва таъминотчиларнинг масъулиятини кучайтириш;

— қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни ошириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва қайта ишланган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлашни амалга оширишда бюрократик ҳолатлар ва расмиятчиликни бартараф этиш.

Тўртинчи — ҳозирги кунда O`zLiDeP депутатлари давлат ҳокимиятининг барча даражаларида — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидан тортиб халқ депутатлари маҳаллий кенгашларигача — 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилишида фаол иштирок этмоқдалар. Ушбу дастурнинг бажарилишида партиянинг фаол иштироки тадбиркорлик тузилмаларининг мавжуд захиралардан фойдаланишларини янада кўпроқ рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш асосида маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳамда сифатини яхшилаш, экспорт салоҳиятини ўстириш бўйича янги ташаббусларнинг илгари сурилишини кўзда тутади. Бунда ушбу жараёнларни молиялаш тўлиқ давлат зиммасига юкланмаслиги керак. Партиянинг нуқтаи назарича, тадбиркорлик ва бизнеснинг молиявий маблағлари инновацион лойиҳаларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратилиши лозим. Бу эса Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга ёрдам беради.

Инқироздан кейинги даврда партиянинг эътибори хусусий сектор вакиллари учун сармоявий фойда ва имкониятлар яратадиган янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга қаратилади.

— Партиянинг давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш соҳасидаги устувор йўналишлари нималарда ўз аксини топади?

— Аввало, O`zLiDeP мамлакатимизда тараққий этган иқтисодиёт, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечириши, жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллаган мамлакат бўлишини таъминлайдиган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек стратегик мақсад тарафдори эканлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Тадбиркорлар давлат ва хўжалик бошқаруви тизимини демократлаштириш соҳасида белгиланган ислоҳотларнинг изчил ўтказилишидан бошқа ҳар қандай соҳа эгаларидан кўра кўпроқ манфаатдордирлар. Бундай ислоҳотлар, шубҳасиз, уларга ўз ишчанлик қобилиятларини рўёбга чиқариш, бойликларини сақлаш ва кўпайтиришнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бугун биз давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижасини кўриб турибмиз. Мамлакатимиз бутун дунёда кенг эътироф этилаётган катта ютуқларни қўлга киритди. Бу эса биз танлаган мустақил тараққиёт йўлининг нақадар тўғри эканлиги яна ва яна бир бор исботламоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим соҳаларини либераллаштириш борасида қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатлари, давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Биз ижроия ҳокимият органларининг ваколат доираси, иш шакллари ва услубларини белгилаб берадиган қонунчиликни, давлат бошқаруви, хўжалик фаолияти асосларини янада такомиллаштириш, ижроия ҳокимият томонидан қабул қилинадиган ҳамда қонунларнинг бажарилишини қийинлаштирадиган қонуности ҳужжатларини қисқартириш, давлат тузилмаларига юқори малакали мутахассислар ва ватанпарвар кишиларнинг кириб келишини таъминлайдиган тизим яратиш тарафдоримиз.

Партия давлат ҳокимиятининг ижроия органларини шакллантиришда парламент ролини янада ошириш, жойлардаги ҳукумат ва ҳокимият органлари фаолиятида шаффофлик ҳамда ошкоралик бўлиши тарафдоридир. Ислоҳотларнинг амалга оширилиши, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлиги ўсиши ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими учун маҳаллий ижроия ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш лозим.

Айтиш лозимки, O`zLiDeP мамлакатни модернизация қилиш жараёнида қонунчиликда белгиланган тартибда сиёсий партияларнинг фаол иштирок этиш имкониятидан фойдаланиб, ўз вакилларини ижроия ҳукуматининг бошқарув тузилмаларига тавсия этади, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидаги ўз депутатлари орқали улар фаолияти устидан назоратни таъминлайди.

Партиянинг устувор вазифаларидан яна бири — суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича кенг кўламли дастурларда фаол иштирок этишдир. Бинобарин, биз уни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-социал ислоҳотларни самарали амалга ошириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафолати, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг ўта муҳим мезони, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда ушбу соҳада кенг кўламли, тизимли ва изчил янгиланишлар амалга оширилмоқда. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Судларни ихтисослаштириш амалга оширилди, суд ишларини кўриб чиқишнинг аппеляция ва кассация институтлари жорий этилди. Шу билан бирга, ярашув институти ҳам кенг фаолият юрита бошлади, жиноят қонунчилиги либераллаштирилди. Прокурор ва адвокатларнинг тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаш бўйича чоралар амалга оширилмоқда. Ўлим жазоси бекор қилинди. Қамоққа олиш учун санкциялар бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилган ва фаол ишламоқда. Партия жиноят учун жазолаш тизимини инсонпарварлаштириш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги ишларни давом эттираверади.

Биз бу соҳадаги энг муҳим устувор вазифамиз мулкдорларнинг мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган қонун нормалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришдан, судгача бўлган ва суд муҳокамаси пайтидаги хўжалик низолари ҳамда бошқа баҳсли масалаларни ҳал этишнинг таъсирчан механизмини рағбатлантиришдан иборат, деб ҳисоблаймиз.

Партия фуқароларнинг, айниқса, тадбиркорлар ва кичик бизнес вакилларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга интилади. Мақсад — ҳеч кимда уларнинг билимсизлигидан ғараз ниятларда фойдаланиш истаги пайдо бўлмасин.

Шунингдек, O`zLiDeP учун фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада эркинлаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш устувор вазифалардан бўлиб қолаверади. Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТлар) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланишини таъминлайдиган қонунчилик базаси, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратилган. Партия бундан буён ҳам фуқаролик жамияти институтлари, ННТларнинг фуқароларнинг манфаатларини қондириш ва ҳимоялашга, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни рўёбга чиқаришга қаратилган фаолиятлари самарадорлигини оширишга кўмаклашишни давом эттиради. Партия фуқаролик жамиятининг бир қадар таъсирчан институти, жамият ва давлатнинг муҳим муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар, фуқаролар йиғинлари мақомини кўтариш, улар ролини ошириш, ваколатларини кенгайтириш ва моддий базасини мустаҳкамлаш учун интилаверади.

Партия фаолиятининг устуворликларидан бири — матбуот эркинлиги таъминланишини янада кучайтириш, унинг ролини ва янгиланиш, ислоҳотлар жараёнидаги тасирчанлигини оширишдан иборатдир.

— Партиянинг ижтимоий, гуманитар, маънавий соҳалардаги устувор вазифалари нималардан иборат?

— Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимиз кучли ижтимоий сиёсатни ўзининг устувор йўналишларидан бири деб эълон қилди. Мамлакатда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тизимлари барқарор фаолият кўрсатмоқда, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламлари қўллаб-қувватланмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилмоқда, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида туб ислоҳотлар ўтказилди, соғлиқни сақлаш ва олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳа ходимларининг мақомини кўтариш чоралари кўрилмоқда.

Партиянинг устувор вазифаси мамлакатда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, инсонга сармоя киритиш ҳисобидан фаровонлик ва аҳоли турмуши сифатини оширишга йўналтирилган ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнида ўз роли ва аҳамиятини кучайтиришдан иборат. Бу борада партия болаларнинг уйғун ривожланишига қаратилган таълим жараёни сифатини ошириш, жумладан, уларда иқтисодий кўникмаларни, тадбиркорлик қобилиятларини ҳосил қилиш, иқтисодий ривожланишнинг янги, илғор усулларини тезда ўзлаштириш лаёқатини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Замонавий фикрлай оладиган ва билимли, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қодир фуқароларни тайёрлаш муҳимдир. Тадбиркорлик маданиятини шакллантириш партиянинг устувор вазифаларидан биридир.

Партиянинг яна бир устувор вазифаси — ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, улар учун касбий, ижодий ва мансаб пиллапояларидан ўсиш учун имкониятлар яратишдан иборат. Ёшлар салоҳиятини ривожлантириш — бу келажакка сармоя киритиш демакдир. Ушбу вазифа 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан янада долзарб аҳамият касб этади. Фикримизча, биз кўзланган мақсадларимизга фақат мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган юқори малакали ишчи кучи, ёш мутахассисларга таянган ҳолдагина эришамиз. Партия ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратиш ниятида.

Партия ўз олдига хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг профессионал, маънавий ва интеллектуал ўсишига кўмаклашиш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, меҳнат шароитини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш масалаларини ҳам қўймоқда. Партия ўз кучини, айниқса, ёш оилалар учун долзарб бўлган уй-жой тақчиллиги масаласини ҳал қилишга йўналтиради. Бунда уй-жой қуриш билан шуғулланувчи ташкилотлар учун рағбатлантирувчи механизмлар жорий этилади.

Ҳулоса қилиб таъкидлаш лозимки, O`zLiDeP — ўз кучига ишонади ва у — бунёдкорлар партияси эканлигини амалий ишлари билан исботлашга қодир. Сиёсий куч сифатида O`zLiDeP ислоҳотлар тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, сиёсий платформаси йўналишларини ҳаётга татбиқ этишни таъминлаш ва ўз электорати манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тайёрдир.

Бугун тўғри қабул қилинган қарор эртага биз ва фарзандларимизнинг фаровон ҳаётини таъминлайди. O`zLiDePга овоз берадиган сайловчилар, шубҳасиз, мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши ва ҳар бир фуқаронинг фаровон турмушини юксалтиришга қаратилган аниқ вазифаларни қўллаб-қувватлаган бўладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Латиф ГУЛЯМОВ билан суҳбат

ЎЗБЕКИСТОН ХДП — МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ТАРАФДОРИ

— Латиф Ёқубович! Бу йилги парламент сайловлари мазкур жараённинг янада либераллашуви, янги мазмун касб этганлиги ва демократия жадал ривожланаётган бир шароитда бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда Сизнинг фикрингизни билишни истардик.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг юртимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, 2009 йилги сайловлар **"аввало ... сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигининг ҳаётимиздаги тасдиғини синаш демакдир"**.

Бу йилги сайлов мамлакат сиёсий ҳаётида кўп партиявийлик тизимини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлмоқда. Сайлов округларида депутатларни сайлаш жараёни айнан кўп партиявийлик асосида ўтказилмоқда ва унда ўз мақсад ҳамда ҳаракат дастурларига эга сиёсий партиялар иштирок этмоқда. Партиялар ўз номзодларининг сайловчилар билан жойлардаги учрашувларини мустақил равишда ташкил қилмоқдалар, ташвиқот ишларининг шакли ва мазмунини ўзлари белгилайдилар. Сайловчиларнинг овозлари учун курашда соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида партияларга тенг шарт-шароит ва имкониятлар яратилганки, бу ўз навбатида, қонун устуворлиги ва унинг олдида барча тенг эканлиги тамойилининг ёрқин намойиши бўлмоқда.

Якуний босқичга кирган сайлов жараёнининг муҳим хусусияти яна шундан ҳам иборатки, ўтган давр ичида мамлакатимиздаги фуқаролик жамиятининг етуклик даражаси анча ортди. Аҳолининг ижтимоий-сиёсий маданияти, фуқаролик онги ҳам ошаяпти. Кенг омма партиялар таклиф этаётган дастурий мақсадларга ҳамда партиялар ўз дастурларини амалга оширишда эришган амалий натижаларга нисбатан анча талабчан бўлиб қолган.

Шу тариқа, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, сайлов жараёнининг бошқа иштирокчилари каби, сиёсий етуклик борасидаги ўта масъулиятли имтиҳон олдида турибди. Бунда сайловчиларга нафақат эътиборга лойиқ дастурий мақсад ва шиорларни тақдим этиш, балки депутат мандатига эга бўладиган номзодларимиз кейинчалик уларга билдирилган юксак ишончни мамлакат ривожига ва халқ фаровонлигига қўшилган катта ҳисса билан оқлашларини ҳам исботлашимиз керак.

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари аҳолининг қандай ижтимоий гуруҳларига йўналтирилган? Сизнинг партиянгиз кимларни ўзининг доимий электорати деб билади?

— Беш йил олдин партия кейинги фаолиятини белгилаб берган муҳим танловни амалга оширди. Ўшанда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг мамлакат сиёсий кучларининг сўл қанотига мансублигини эълон қилиб, жамият ва давлатнинг алоҳида кўмагига муҳтож аҳоли қатламларининг ижтимоий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун сиёсий масъулиятни зиммасига олганди. Мана шу сиёсий масъулиятни партия ҳозирги сайлов жараёнида ҳам сақлаб қолмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг доимий электорати деганда; биз аввало, иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликларни бошдан кечираётган инсонларни назарда тутамиз. Булар кам таъминланган ва кўп болали оилалар, имконияти чекланган инсонлар, пенсионерлардир. Шунингдек, партия ўзининг доимий электорати деб аҳолининг заиф қатламларига ижтимоий хизмат кўрсатувчи бюджет соҳаси ходимларини ҳам билади.

Ҳозирги сайлов кампаниясининг ҳал қилувчи босқичига киришар экан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг айнан шу қатламлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўзининг Сайловолди дастурини белгилаб олди.

— Ўзбекистон ХДПнинг Сайловолди дастури ҳозирги сайлов жараёнида қандай ўзига хос томонлари билан ажралиб туради? Сизнинг асосий дастурий мақсадларингиз нималардан иборат?

— 2009 йилги сайловда бизнинг бош сиёсий устувор йўналишимиз мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини янада юксалтиришга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат.

Бундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ХДП юртимизнинг тобора ошаётган иқтисодий салоҳиятидан аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, унинг кам таъминланган гуруҳлари турмуш фаровонлигини ошириш учун фойдаланишга доир изчил сиёсатни қўллаб-қувватлайди.

Партия, шунингдек, ўзининг сиёсий манфаатларини 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ва инқироздан кейинги инновацион ривожланишнинг қатор устувор вазифаларини амалга ошириш билан боғлайди. Булар орасида аҳолининг реал даромадлари ортишини кафолатловчи барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш; иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳасида қўшимча равишда янги барқарор, юқори ҳақ тўланадиган иш жойларини ташкил этиш; ички бозорни юртимизда ишлаб чиқарилган арзон ҳамда сифатли озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш кабиларни санаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган вазифалар, хусусан, қишлоқ жойларида яшовчи аҳолининг қулай ва муносиб турмуш кечириши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, қишлоқнинг замонавий инфратузилмасини ривожлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратади.

2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши бизнинг зиммамизга катта сиёсий масъулият юклайди. Зеро, партия аъзоларининг учдан бир қисмидан кўпроғини айнан ёшлар ташкил этади. Доимий электоратимиз вакиллари орасида ҳам ёш авлод вакиллари кам эмас.

— Партия томонидан ислоҳотлар стратегиясининг устувор ижтимоий вазифаларини амалга ошириш қай тарзда қўллаб-қувватланади? Бунинг учун партия қандай воситаларга эга?

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган мамлакатни жадал ислоҳ қилиш ва демократик модернизациялаш сиёсатини қўллаб-қувватлаш деганда, биз, албатта, баландпарвоз баёнотларни назарда тутмаймиз. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча аъзолари амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамнафаслик, аввало, уларни жойларда амалиётга татбиқ қилишга фаол кўмаклашишдан иборат эканлигини аниқ англаб олдилар.

Айнан мана шу масалалар шу йилнинг апрель-август ойларида бошланғич партия ташкилотлари ва партиянинг жойлардаги барча ташкилотларининг навбатдаги анжуманларида кенг муҳокама этилди. Мана шу умумпартиявий муҳокамалар натижаларига кўра, бизнинг VII қурултойимизда белгиландики, Ўзбекистон ХДПнинг келгуси давр учун стратегик сиёсий вазифаси — партия маҳаллий тузилмаларининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир тегишли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бевосита фаол иштирокидан иборатдир.

Ушбу вазифани ҳал қилишнинг асосий воситаси Ўзбекистон ХДПнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиявий гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этишдан иборатдир. Ҳозирги сайловда иштирок этар эканмиз, биз сайлов якунларига кўра, мана шу фаолият таъсирчан бўлиши учун етарли депутатлик ўринларига эга бўлишга имкон қадар ҳаракат қиламиз.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатни изчил иқтисодий ривожлантиришнинг ижтимоий жиҳатдан самарадорлигини қандай мезонлар бўйича баҳолашни таклиф этади? Бу борада партия эътибори қандай амалий вазифаларга қаратилган?

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳоли турмуш фаровонлигининг ортишини кўрсатувчи бош мезонлардан бири — қўшимча ижтимоий ва моддий ёрдамга муҳтож инсонлар сонининг боскичма-босқич камайишидан иборат, деб билади. Бу мақсадга, биринчи навбатда, банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали эришилади.

Ўзбекистон ХДП ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, минтақавий бандлик сиёсати самарадорлигини ошириш борасида қўшимча-чора тадбирлар кўрилишини таъминлаш ниятида. Меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодиётни бошқа соҳаларининг уларга бўлган эҳтиёжининг ортишини ўрта ва узоқ муддатли прогнозлаштириш тизимини такомиллаштириш чоралари ҳам ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, партиямиз мамлакатимизда кишлоқ аҳолисининг уй-жой — маиший шароитларини яхшилаш ва қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий ижтимоий инфратузилмани яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш орқали аҳоли бандлигини ошириш борасида қўшимча чоралар кўрилиши муҳим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ХДП ўзининг кейинги фаолиятида, шунингдек, жамоатчилик назорати ва давлат ҳамда хўжалик бошқаруви ва мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарнинг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳам инобатга олган ҳолда, аҳолини, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликлари бўйича ишга жойлаш учун масъулиятини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Ушбу вазифаларни ҳал қилишда иштирок этар экан, партия аҳолининг ишга жойлашишда ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган бошқа қатламлари учун қўшимча иш ўринлари ташкил этаётган корхоналарга солиқ юкини камайтириш, молиявий ва бошқа турдаги имтиёзлар тақдим этилишини таъминлашга ҳаракат қилади.

Партия меҳнатга лаёқатли аҳоли учун муҳим ижтимоий кафолат деб янги ташкил этилаётган иш жойларида тўланадиган меҳнат ҳақининг мазкур ҳудуддаги аҳолига тўланадиган ўртача иш ҳақига тенг бўлишини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни яратишдан иборат, деб ҳисоблайди.

— Ўзбекистон ХДП қандай вазифаларни аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашни таъминлашда муҳим деб ҳисоблайди?

— Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида баён этилган позицияси шундан иборатки, муҳофазага муҳтож аҳоли қатламларининг ижтимоий таъминоти устувор характерга эга бўлиши керак.

Шу муносабат билан партия келгуси даврда соғлиқни сақлаш, маданият, уй-жой — коммунал хизмат кўрсатиш, ижтимоий кўмак ва таъминот соҳаларида мимоий равишда оширган ҳолда улардан фойдаланиш имкониятларидан барча баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборат, деб биламиз.

Жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси соғлиқни сақлаш соҳасида тегишли давлат қарорларига биноан, аҳолини тиббий суғурталаш тизимини босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда жойларда аёллар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада оширишга фаол кўмаклашиш ниятида.

Таълим соҳасида партия корхоналар буюртмалари бўйича пулли-шартномавий ўқитиш шакллари асосида мутахассислар тайёрлаш амалиётини кенгайтириш таклифи билан чиқишни мақсад қилиб қўйган.

Қишлоқ мактаблари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини малакали маҳаллий кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш масаласини олис ҳудудларда замонавий инфратузилмани яратишга хизмат қилувчи муҳим омил, деб биламиз. Айни мақсадларда Ўзбекистон ХДП чекка қишлоқларда ишлаётган шифокор ва ўқитувчиларга уй-жой сотиб олиш ёки қуришга имтиёзли кредитларни ажратиш учун ҳуқуқий асос яратишни, қишлоқлар учун мутахассислар тайёрлаш мақсадида қишлоқ ёшларининг олий педагогика, тиббий ва бошқа ўқув юртларига киришлари учун имтиёзлар беришни ёқламоқда.

Партиямиз келгуси даврда қишлоқ ҳудудларида уй-жой қурилишини кенгайтириш, намунали лойиҳалар бўйича янги қурилган якка тартибдаги уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлар бериш жараёнида ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш борасидаги давлат қарорларининг жойларда бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга кўмаклашади.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП уй-жой — коммунал соҳада ижтимоий масъулият муҳитини яратиш тарафдоридир. Бунда биз хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг ундан фойдаланишда мустақиллиги ва масъулиятини янада оширишни муҳим вазифа, деб биламиз. Партия мазкур соҳада рақобат муҳитини ривожлантириш, шу мақсадларда, ресурсларни теҳожви технологиялар ҳамда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини қўллашга ўтиш орқали коммунал хизматлар нархини сезиларли даражада пасайтириш ва тарифларни барқарорлаштиришни таъминлаш ниятида.

— Партиянгиз устувор ижтимоий дастурларни бажариш самарадорлигини ошириш учун яна қандай воситаларни таклиф этади?

— Ушбу мақсадларни амалга оширишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг ҳуқуқий механизмларига таянади. Мазкур масалаларга бизнинг бош сиёсий манфаатимиз шундан иборатки, мамлакатимизда юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи қонун ҳужжатлари жойларда аниқ, ўз вақтида ва тўлақонли ижро этилсин.

Партия жойларда мақсадли давлат ижтимоий дастурларининг бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш йўли билан давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари мансабдор шахсларининг ушбу масалалардаги масъулиятини оширишга ҳаракат қилади.

Тегишли ҳуқуқий бошқарувни янада ривожлантириш — Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида баён этилган амалий вазифаларни ҳал қилишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Сайловолди ҳужжатимизнинг ҳар бир қисмида бўлажак сайловда депутат этиб сайланадиган вакилларимиз томонидан қонунчилик ташаббуси илгари сурилиши кўзда тутилган.

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2009 йилги сайловларда иштирокидан кўзланган бош мақсад нима?

— Сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш учун мамлакатимиздаги бошқа партиялар билан соғлом рақобат курашида ғалабага интилаётган Ўзбекистон ХДП сайловда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

24 соат ичида

ЖАҲОН

Филиппиннинг Агусан-дель-сур музофотида жангарилар томонидан 65 нафар киши ўлдириб кетилган, дея хабар тарқатди маҳаллий "The Mindanao Examiner" нашри.

Жиноятчилар қидирилмоқда

Номаълум шахслар Сан Мартин қишлоғига ҳужум уюштирган ва бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлган. Мамлакат қуролли кучлари вакилининг айтишича, ҳозирча хунрезлик нима мақсадда амалга оширилгани маълум эмас. Жиноятчиларни қидириш ишлари олиб борилмоқда.

Ташкилотчилар маълум

Саккизинчи декабрь куни Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида содир этилган портлашларни "Ал-Қоида" гуруҳи ўз зиммасига олган.

Бу ҳақда тўдага тегишли Интернет сайтларидан бирида маълумот тарқатилган. Эслатиб ўтамиз, Бағдоднинг бир йўла бешта жойида амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатида қарийб 130 нафар одам ҳалок бўлган, 450 нафарга яқин одам эса тан жароҳати олганди.

Иқтисодий ривожланиш лойиҳаси

Япония ҳукумати мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган янги лойиҳани маъқуллади.

Ушбу мақсад учун 7,2 триллион иена (81 миллиард АҚШ доллари) миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Изоҳланишича, мазкур сармоянинг 3,5 триллиони ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини барқарорлаштиришга, 800 миллиарди атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, 600 миллиард иена эса ишсизликка қарши курашга йўналтирилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, кунчиқар юрт жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш учун шу пайтга қадар 326 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб қилган.

Янги самолётлар харид қилмоқчи

АҚШнинг "United Airlines" авиакомпанияси янги самолётлар харид қилмоқчи.

Жумладан, у яқин кунлар ичида 25 дона "Airbus 350 XWB" ва шунча миқдорда "Boeing 787 Dreamliner" ҳаво лайнери сотиб олишни режалаштирган. Ҳозирча "United Airlines" ушбу мақсад учун қанча маблағ сарфлашини ошкор қилмаган. Бироқ экспертлар янги самолётлар компанияга тўққиз миллиард АҚШ долларидан камига тушмаслигини билдиришмоқда.

"United Airlines" авиакомпанияси кунига 200 дан ортиқ маҳаллий ва халқаро рейсларда парвозларни амалга оширади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Америкалик эксперт:

БЎЛҒУСИ САЙЛОВЛАР ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧ БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тизимида қандай жиддий ва аниқ-равшан ўзгаришлар бўлаётганини, кучли демократик институтларнинг мустаҳкам пойдевори қўйилганини кўраман.

Б. Пинкуснинг фикрига кўра, «Буларнинг барчаси мамлакатни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини амалга оширишда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатлашувнинг кучайишига кўмак беради. Шу асосда кенг қамровли сиёсий ва ғоявий манфаатларни билдиришга хизмат қиладиган парламент ва бутун бошлиқ сиёсий механизм фаолияти такомиллашади».

Эксперт аминки, «Ўзбекистонда сайлов тизимини янада либераллаштириш сари жуда муҳим қадамлар қўйилган. *Биринчидан*, партияларнинг қонун ижодкорлиги иши ва ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражасини оширувчи омил — Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сони кўпайтирилди. *Иккинчидан*, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан номзодларни кўрсатиш тажрибаси тугатилди. *Учинчидан*, депутатлик ўринларидан маълум бир қисми Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун ажратиб берилди. Бу жамият ва давлатни экологик аҳвол ва миллат соғлиғини яхшилашга ундовчи катта эътиборни кўрсатади. *Тўртинчидан*, сайлов жараёнларининг транспарентлилигини оширувчи сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари институти киритилди. *Бешинчидан*, депутатликка номзодларга ишончли вакиллар миқдори оширилди ва сайлов комиссияси фаолиятининг очиқлигини таъминловчи меъёрлар киритилди».

Айни пайтда, Б. Пинкус таъкидлаганидек, «Ҳар қандай мамлакатнинг сиёсий тизимини шакллантиришда тарих, маданият ва шу юртда истиқомат қилувчи халқ менталитети асосий таъсир кўрсатиши рад этиб бўлмайдиган аниқ далилдир. Теран ва қадимий цивилизацияларга эга бўлган ўзбек халқи жамият қурилиши ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш масалаларини ўзининг маданий анъаналари ва ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ҳал этади. Мен бу ерда президент Б. Обаманинг шу йил 4 июнда Қоҳира университетида сўзлаган нутқидаги «Дунёнинг ҳеч бир давлати ўз қадриятларини бошқа бир мамлакатга мажбуран сингдиролмайди ва бундай қилмаслиги керак. Ҳар бир давлат ўз халқининг анъаналари билан боғлиқ ўз ривожланиш тамойилларига асосланади» деган сўзларини келтиришни истардим.

Умуман, Ўзбекистондаги сиёсий жараён изчил суръатда ривожланмоқда, деган хулосага келишим мумкин. Одамларнинг сиёсий, ижтимоий ва фуқаролик онги ҳамда уларнинг атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, мамлакат барқарорлигини мустаҳкамлашга нисбатан тушунчаси ва масъулиятининг ортгани Ўзбекистондаги сайлов кампаниясининг ўзига хос жиҳатини белгиловчи энг муҳим омил саналади».

— Шу нарса ойдек равшанки, бугунги кунда «Марказий Осиёнинг сиёсий доминантаси» бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмасдан туриб, минтақавий хавфсизлик ва тараққиётга ғов бўлаётган долзарб муаммоларни ҳал этишда жиддий силжишларга эришиб бўлмайди, — деди эксперт. — Мазкур муаммолар жумласига Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши самарали кураш воситалари, гиёҳвандлик хавфи ва трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш, минтақанинг энергия ресурсларининг дунё бозорларига етказилишини диверсификациялаш каби масалалар киради.

Доктор Б. Пинкус алоҳида қайд этдики, «Вашингтонда Афғонистонда доимий тинчлик ва барқарорликка эришиш борасидаги Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва саъй-ҳаракатларини қадрлашади. АҚШнинг ижтимоий-сиёсий доираларига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг афғон муаммосини ҳал этиш бўйича таклифи, айниқса, унинг Афғонистон бўйича «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш борасидаги ташаббуси жиддий таъсир кўрсатди. Назаримда, АҚШ ҳукуматининг Афғонистонга муносабатидаги янгича стратегиясининг кўп жиҳатлари Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ёндашув ва таклифларга ўхшаб кетади.

Ўйлашимча, Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорликни ривожлантириш АҚШнинг мусулмон дунёси билан ўзаро муносабатларини теранроқ англаш нуқтаи назаридан Вашингтон учун муҳим аҳамият касб этади. Б. Обама маъмурияти Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси, маърифатпарвар ва бағрикенглик ғояларини тарғиб этувчи ислом дини бой анъаналарининг тикланишида, шунингдек, Ўзбекистон жамиятининг дунёвий тараққиёт йўлига содиқлигини ҳар томонлама ҳисобга олиши керак бўлади».

— Ишончим комил, яқинда Америка Қўшма Штатлари Конгресси қошида тузилган *Марказий Осиё ҳамкорлик гуруҳи* Марказий Осиёнинг башарият миқёсида тутган ўрни ва аҳамияти юксалиб бораётгани ва Конгресс томонидан минтақада кечаётган жараёнларни теранроқ англаш заруратини билдиради, — деди Б. Пинкус. — Америка жамоатчилиги *Марказий Осиё ҳамкорлик гуруҳи*нинг ташкил этилишини маъмурият ва Конгрессниг ушбу асосий минтақага бўлган қарашларини ўзаро яқинлаштиришга қодир бўлган муҳим қарор сифатида юқори баҳолайди. Марказий Осиё, авваламбор, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари ва маданият марказлари асрлар давомида Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимол ўртасида кўприк вазифасини ўтаб келган, Буюк Ипак йўли бўйлаб эса, нафақат маҳсулот, балки ғоялар, маданиятлар, технологиялар ва билимлар алмашуви йўлга қўйилган. Дунё тарихида минтақа ўзининг муҳим аҳамиятини йўқотмаслигига ва уни давом эттиришига аминман.

Суҳбат якунида америкалик эксперт Ўзбекистон халқига тинчлик ва равнақ, кучли ва очиқ демократик жамият барпо этишда улкан муваффақиятлар тилади.

«Жаҳон» АА.
Вашингтон

Диққат! Диққат! Диққат!

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг мақсадли, пул-буюм ютуқли, тиражли лотереясининг II чиқарилиши бўйича ютуқлар тиражи 2009 йил 10 сентябрь куни Хива шаҳрида ўтказилди.

Лотереянинг II чиқарилиши бўйича ўтказилган ютуқлар тиражи якунига кўра, Халқ банкининг барча муассасалари томонидан пул ва буюм ютуқли лотерея билетлари узлуксиз равишда тўловга ҳамда экспертизадан ўтказиш учун қабул қилинмоқда.

Мазкур лотереянинг қоидаларига асосан, ютуқли лотерея билетлари ютуқлар тиражи расмий жадвали матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб уч ой давомида Халқ банки муассасалари томонидан тўловларга қабул қилинади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, сизларга лотерея билетларининг II чиқарилиши бўйича ютуқли лотерея билетлари 2009 йилнинг 12 декабрига қадар банк муассасаларида қабул қилинишини маълум қиламиз. Ушбу муддатга қадар банкка тақдим этилмаган ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва қайд этилган санадан сўнг тўловга қабул қилинмайди.

Хизматлар лицензияланган.

Шошилинг! Ютуқлар ўз эгаларини кутмоқда!

13118/17760

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, ҚЎМИТАЛАР, ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ МУАССАСАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ХОРИЖИЙ, ҚЎШМА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР, ФИРМАЛАР ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI — **ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ**

TDIU — **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

2009 йил 12 декабрь куни соат 9.00 да 2009/2010 ўқув йили битирувчилари учун **«КАРЬЕРА КУНИ»ни** ўтказадилар.



Мазкур тадбирнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- *бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари бўйича университет битирувчиларининг махсус, касбий ва малакавий билимлари, қобилиятлари ҳамда малакалари тақдимоти;*
- *вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ўқув ва илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар вакиллари ҳамда тадбиркорлар билан университетнинг 2009/2010 ўқув йили битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича музокаралар олиб бориш;*
- *ўқув режаларига асосан, ўқитувчилар, талабалар ва магистрларнинг, шунингдек, компаниялар ва талабаларнинг ўз ташаббуслари билан йўналишлар, дастурлар, малакавий амалиётлар мавзулари, стажировкаларини корхоналар ва ташкилотларда ўтказишни муҳокама қилиш;*
- *битирув малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари мавзулари ва йўналишларини корхона ҳамда ташкилотларнинг аниқ эҳтиёжларини қондириш мақсадида, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилиш;*
- *кадрларга буюртма берганлар билан университет ўртасида аниқ интеграцион алоқалар ўрнатиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишлари, фундаментал ва илмий маҳсулотлар тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш;*
- *иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан бакалавриат ҳамда магистратура битирувчилари ўртасида ишга жойлаш бўйича тўғридан-тўғри узоқ муддатга мўлжалланган алоқалар ўрнатиш ва шартномалар тузиш.*

Тадбир ўтказиладиган манзил:
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, бош бино (14 қаватли бино), Тошкент давлат иқтисодиёт университети ахборот-ресурс маркази.
Маълумот олиш учун маркетинг бўлими телефони: (+ 99871) 245-85-55.

1306R/1751

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АЛП ЖАМОЛ БАНК» ХОАТБ

сизларга 2009 йил 14 декабрдан бошлаб ҚУЙИДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

АҚШ ДОЛЛАРИДА

Йиллик 7%, сақланиш муддати — 3 ой.
Йиллик 13%, сақланиш муддати — 6 ой.
Йиллик 14%, сақланиш муддати — 12 ой.

Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар омонатчининг истагига кўра, депозит қўйилган кунда олдиндан бўнак тариқасида, депозит муддати тугагандан сўнг ёки ҳар ойда АҚШ долларида тўланади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА — СЎМДА

«ИСТИҚЛОЛ»
Йиллик 21%, сақланиш муддати — 3 ой.
Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар депозит муддати тугагандан сўнг тўланади.

«НУР»
Йиллик 21%, сақланиш муддати — 3 ой.
Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар омонатчининг истагига кўра, депозит қўйилган кунда олдиндан бўнак тариқасида тўланади.

«SOVG'A»
Йиллик 26%, сақланиш муддати — 6 ой.
Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар омонатчининг истагига кўра, депозит қўйилган кунда олдиндан бўнак тариқасида ёки депозит муддати тугагандан сўнг тўланади.

Барча омонатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди орқали тўлиқ қайтарилиши кафолатланган. Банк «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан, депозитга қўйган маблағларингизнинг сир сақланишини кафолатлайди.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очишингиз мумкин.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

Амалиёт бошқармаси, Тошкент шаҳри, М. К. Отатурк кўчаси, 21-уй.
(8-371) 232-16-00, 232-16-03, 150-66-89, 150-66-85.
Чилонзор филиали, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Д20А даҳаси, 4-«А» уй.
(8-371) 150-67-04, 150-67-08.
Қарши шаҳар филиали, Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 256-уй.
(8-375) 225-10-10, (8-371) 150-66-91.
Наманган шаҳар филиали, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 70-«А» уй.
(8-369) 233-65-73, 233-66-95.
Зангиота филиали, Эшонгузар қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 20-уй.
(8-371) 150-20-46, 150-20-82.
Самарқанд шаҳар филиали, Самарқанд шаҳри, Саид Ризо Ҳошимов кўчаси, 43-уй.
(8-366) 233-27-86.

13086/17744

MEHRJON MEHRIBON

Тел.: +(998 71) 287-52-54.
Факс: +(998 71) 279-94-04.
mehrjon_mehribon@mail.ru
www.mehrjon.uz

лок-бўёқ ишлаб чиқарувчи корхона қуйидаги лок-бўёқларни таклиф этади:

ПФ-115 эмали
ПФ-121 эмали
турли ранглардаги мовий, яшил, кўк, қизил, кулранг, сариқ, қора,
ПФ-266 эмали полга
Э-АК-19 фасад учун бўёқ
ВД-АК-215
бинолар ичи учун бўёқ
ПФ-283 локи
Том учун бўёқлар
ПВ оксоль ОЛИФи

1258R/1598

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТ-ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

офис техникаларига бутловчи материаллар ва эҳтиёт қисмларни етказиб бериш бўйича танлов ўтказади.

Танлов ҳужжатларининг баҳоси — 30 минг сўм.

Таклифларни тайёрлаш бўйича ҳужжатлар тўплами ва тўловни амалга ошириш учун банк ҳисоб рақамларини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент ш., Истиқлол к., 29-уй. Телефонлар: 232-69-58, 239-15-61.

Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 календарь куни давомида қабул қилинади.

1308R/1749

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона

MDIS Tashkent — Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти

2010 - 2011 ўқув йили учун абитуриентларни

ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА таклиф қилади.

2009 йилда 98% тингловчиларимиз кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширдилар.



Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти
100185, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 28.
Тел.: 271-77-01, 271-77-00

Омадли келажакка биз билан эришинг!

1310R/1718

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

Товар сертифицирован. Форма оплаты — любая

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.
zakamsk-group@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Мансур Аҳмеджановга укаси **Мақсуджон АҲМЕДЖАНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби, филология фанлари доктори, профессор **Содирхон ЭРКИНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Газета ва газетхон: ЮЗМА-ЮЗ

— Давлат экологик экспертизаси нима мақсадда ва қайси ваколатли орган томонидан амалга оширилади?

Т. ЭЛМУРОДОВ.
Навоий шаҳри

Экологик экспертизанинг мақсади нима?

— "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига кўра, экологик экспертиза қуйидаги мақсадларда ўтказилади: мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш; режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолият атроф-муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ёки шундай таъсир кўрсатаётган бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлаш.

Давлат экологик экспертизаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига асосан, фаолият турининг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш хавфлилигига кўра, I ва II тоифали объектлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси таркибидаги "Бошдавэкоэкспертиза" томонидан, III ҳамда IV тоифали объектлар эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари таркибидаги Давлат экологик экспертизаси томонидан ўтказилади.

Р. ОСТОНОВ,
Навоий вилояти давлат экологик экспертизаси эксперти.

— Қандли диабет касаллигини енгишда лавр барглари асосида тайёрланадиган дамлама асқотар экан. Агар рост бўлса, уни қандай усул билан тайёрлаш мумкин?

М. АҲМЕДОВ.
Шеробод тумани

Табиат неъмати

— Қандли диабет — эндокрин безларида жиддий ўзгаришлар оқибатида келиб чиқадиган хасталик бўлиб, организмда меъда ости бези ишлаб чиқарадиган инсулин гормони етишмаслиги туфайли моддалар алмашинуви издан чиқади. Агар қандли диабет "илашган" бўлса, унда мутлақо беозор табиат неъматларидан фойдаланиб, даволаниш ҳам мумкин. Бу неъматлар қаторига ошхона бисотидан аримайдиган дафна (лавр) барглари ҳам киради.

Дамлама тайёрланиши қуйидагича: 10 дона дафна барги 3 стакан қайноқ сувда 1 соат давомида бирор мато билан буркалган ҳолда дамлаб қўйилади. Тайёр бўлган дамламадан кунига 3 марта истеъмол қилинади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

Истеъмолчининг ҳуқуқи

— Дўконлардан биридан ошхонамиз учун жиҳозлар сотиб олгандик. Келтириб ўрнатганимизда уларда жиддий нуқсонлар борлигини билиб қолдик. Хариднинг учинчи куни жиҳозларни алмаштириш учун ўша дўконга бордик. Аммо биз олган турдагиси қолмаган экан. Сотувчи товарни шунга ўхшаш бошқасига алмаштириб бердию ортиқча ташвиш, харажатларни эътиборга олмади. Бундай ҳолда истеъмолчининг ҳуқуқлари қандай?

З. ХЎЖАБЕКОВА.
Жиззах шаҳри

— Сотувчи истеъмолчига нуқсонли товар сотганида, харидор уни сифатлисига алмаштириб бериш, нуқсонларни бепул бартараф этиш, харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш, кўрилган зарарни қоплаш кабиларни талаб қилишга ҳақли.

Юқоридаги ҳолатда сотувчи харидорнинг барча транспорт харажатларини ва ҳатто, харидор талаб қилса, маънавий зарар учун ҳам ҳақ тўлаши шарт. Бу ҳақда "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида "Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган